

*4398915* - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет таисилотлари) учун

Карши ш.

2022 йил *12 Август*

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/6031-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияның Кашқадаре филиали директори Ж.Бозоров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва \_\_\_\_\_ номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилик тўғрисидаги гувахнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда – Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартномаси) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномами имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги абонент шартномасини тушиба расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танинишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисидаги туздилар:

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини ошириши ва тўлов фасини тасдиқловчи тегишли молиявий хўжиятни олиши Оператор Офертанинг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномаси имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этилайдиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тuri ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан холда белгиланади.

**2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномами имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномами имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартномаси амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига каттый риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартномаси бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартномаси тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённанда Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар милий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартномаси тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартномаси тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширадилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фойз миндорида олдиндан тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартномасини тегиши иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тuri ҳамда) кўрсатилган миндора мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тuri учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартномасининг умумий суммаси ушбу Шартномасини тегиши тловасига** (Абонент томонидан танланган хизмат тuri ҳамда) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳамки билан белгиланади.

Шартномасини **умумий** суммаси (ИКСни хисобга олган холда) *135000* сўмини таъкид этади. Ушбу сумма сўм миндоридаги Абонент тўловини ҳамда мисдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартномасини умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўргасида имзолангани кўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичига ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарзи маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартномасини 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтагиши, шунингдек, ҳисобот даря (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни иштиёрий равнинда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера қонидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлар учун тўланиши мумкин ва Шартномага бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тuri учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий мисдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарни ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тuri бўйича ҳисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишини тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътироzlарни асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойидаги тақдим этилганни хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6-15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб ракамининг баласин сабий бўлганиди 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланилмаслиги берилши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармагашлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хуёзатларида ҳамда Офертада назарда тутишган тартибида ва миндорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

**5. Низоларини ҳал қилиш тартиби**